




uzBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@umail.uz



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ОНЛАЙН-САММИТИГА ДОИР

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ, жорий йилнинг 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг видеоанжуман шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбир кун тартибидан Ўзбекистон – Ҳиндистон дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликини кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Коронавирус инфекциясининг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини енгиб ўтишда яқиндан ҳамкорлики давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт алоқаларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва бошқа тармоқларда кооперацияни кучайтириш ҳамда ҳудудлараро мулоқотлар, таълим ва гуманитар алмашинуви фаоллаштиришга қаратилган устувор дастур ва лойиҳаларни кўриб чиқиш режалаштирилган.

Учрашув чоғида икки давлат етакчилари жаҳон ва Марказий Осиёдаги вазият юзаси-

дан фикр алмашадилар, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши самарали курашиш чоратadbirlarini муҳокама қиладилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма баёнот қабул қилиниб, иқтисодиёт ва инновациялар, молиявий-техник кўмак, божхона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотлар ўтказишга доир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланади.

ЎЗА.

Қурилиш нормативларига Корея гранти ажратилади

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида барча йўналишларда, хусусан, қурилиш соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда. Бу борада аниқ натижалар ҳам кўзга ташланипти. Куни кеча видеоконференция тарзида ташкил этилган, Инфраструктура тармоқларини ривожлантириш халқаро конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири Батир Закиров Корея Республикасининг Ер ресурслари, инфраструктура ва транспорт вазири Ким Хён Ми билан мулоқот ўтказди. Унда келгусидаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.



Маълумки, Корея Республикаси юқори технологияларни, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш бўйича жаҳонда илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Жумладан, қурилиш соҳасида энергиятежамкор ва BIM технологияларини қўллаш бўйича ҳам етакчи давлат саналади. Бўлиб ўтган мулоқотда асосий эътибор истиқболли йўналишларга қаратилди. Вазирлик мутасаддиларининг Кореяда бўлиб ўтган олдинги учрашувида Ўзбекистон қурилиш меъёрларини жаҳон стандартларига уйғунлаштириш масаласи ўртага ташланганди. Мазкур тадбирда Корея томони ушбу йўналишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини, хусусан, миллий шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида ўз тажрибаси билан ўртоқлашини таъкидлади. Яқинда Корея Парламенти томонидан ушбу лойиҳа учун грант маблағлари ажратиш тасдиқлангани ва ҳозирда махсус ишчи гуруҳ фаолият бошлагани ҳам айтиб ўтилди. Энди галдаги муҳим масала кадрларни тайёрлаш. Кореялик ҳамкорлар бу борада ҳам ўзбекистонлик қурилиш соҳаси мутахассисларини малака оширишга жалб этишни режалаштирганини билдирди.

– Аввало, халқаро конференциядаги иштироки учун Ўзбекистон томонига мин-

натдорлик билдираман. Биз учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш алоҳида ўринга эга, – деди мулоқот вақтида Корея Республикасининг Ер ресурслари, инфраструктура ва транспорт вазири Ким Хён Ми. – Ҳозирда қуёшли ўлкада Корея компаниялари иштирокида кўплаб йирик саноат ва муҳандислик лойиҳалари амалга ошириляпти. Бизнинг компанияларимиз, келажакда юртингиздаги истиқболли инвестиция ва инфраструктура лойиҳаларида иштирок этишга қизиқишни юқори эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Ҳозирда Ўзбекистонда Корея хорижий шаҳарлар инфраструктурасини ривожлантириш корпорациясининг ваколатхонаси фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, онлайн учрашувда Корея томони нафақат бино ва иншоотлар, балки йўллар, кўприклар ва темир йўллар қурилишига оид нормаларни ҳам модернизация қилишга алоҳида урғу бериш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти, Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши раиси Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2020 йил 11 декабрь куни Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)нинг видеоанжуман шаклида ўтадиган саммитида иштирок этади.

Тадбирда ЕОИИга аъзо давлатлар – Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, шунингдек, кузатувчи мақомидаги Молдова ва таклиф этилган мамлакат сифатида Куба етакчилари ҳам қатнашади.

Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми бериш

саммит кун тартибидаги асосий масалалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаб бериши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, шу йил май ойда Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятида кузатувчи давлат мақомида иштирок этиши тўғрисидаги таклифни маъқуллаган эди.

ЎЗА.



Норинда янги уй-жойлар ўз эгаларига топширилди



Наманган вилояти Норин туманининг Ғалаба массивида қуриб битказилган 4 та 4 қаватли жами 96 хонадондан иборат уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ бунёд этилган мазкур турар жойлар 73 та эҳтиёжманд оила, 12 нафар ногиронлиги бор фуқаро, жамиятда фаоллик кўрсатган 2 нафар ёшлар ва 9 нафар меҳнат мигрантлари учун Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги байрамига муносиб тўғра бўлди.

Қурилиш ишларига 13,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Янги уйлارни топшириш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари С. Султонов ва туман ҳокими Д. Қодиров иштирок этишди.

Суратларда: Норинда қурилган уй-жойлар.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бош режалар ишлаб чиқилмоқда



Республикаимиз ҳудудларининг шаҳарсозлик бош режалари асосини йўл-транспорт, ичимлик суви, муҳандислик тармоқлари, аҳолининг уй-жойлари, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш пунктлари сингари ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва инфраструктура иншоотлари ҳамда кўнгилчор, дам олиш масканлари, истироҳат бослари кабилар ташкил этади.

Дастурлар доирасида жорий йилда 32 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ишлаб чиқиши белгиланган. Бугунги кунга қадар 23 та аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашида кўриб чиқилди.

Куни кеча ташкил этилган тадбирда Нукус, Наманган, Навоий ҳамда Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг бош режалари лойиҳалари муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда)

Қурилиш нормативларига Корея гранти ажратилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Кореяда нормативлар билан шуғулланадиган махсус институт ва лабораториялар мавжуд. Айнан мазкур жиҳат биз учун андоза бўла олади. Архитектура ва қурилиш соҳасида нормативлар ишлаб чиқиш ҳамма мамлакатларнинг ҳам қўлидан келавермайди, – дейди вазирлик ҳузуридаги Техник меъёрлаш маркази директори Рустам Қўчқоров. – Кўпгина мамлакатларда норматив тизим ўзиники эмас. Шунинг учун ҳам дунёда кўп мамлакатлар қабул қилган тизим бор. Масалан, IBC, бу АҚШда катта маблағ эвазига анча йиллар давомида шакллантирилган. Корея бизга нима беради? Мана шу IBC тизимини ўзлаштиришимизда Корея бизга воситачи бўлади. Улар бу ишни биздан олдин бошлаган. Корея билан ҳамкорлик қиладиган бўлсак, IBC ни



Ўзбекистонга татбиқи тезлашади. Кейин, ҳозирги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган бир пайтда халқаро нормативларни татбиқ қилишда BIM технологияларининг ҳам ўрни катта бўлади. Биз

IBСни ўзимизда татбиқ қилсак, BIM технологияларини ҳам қисман қабул қилган бўламиз. Бунда эса кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади.

Кореянинг тажрибаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, ушбу давлат ўзининг нормативларини 1987-1988 йилдан буён мунтазам равишда янгиллаб, мувофиқлаштириб бормоқда. Албатта, бу жараёнда хатоликлар ҳам бўлган, ана шу хатоликлар асосида ҳулосалар ясалган. Айнан мана шу тажриба бизга маъқул келди. Чунки, биз ҳам янги поғонага чиқишимиз учун ана шу давлат тажрибасидан фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Инфраструктура тармоқларини ривожлантиришга қаратилган халқаро конференция саккизинчи маротаба ўтказилаётган бўлиб, бу сафарги тадбирда 10 дан ортиқ мамлакатларнинг қурилиш соҳаси вакиллари ўзаро фикр алмашиб, келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини келишиб олишди.

Бош режалар ишлаб чиқилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Нукус шахрининг бош режаси 2002 йил давлат дастурлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилги тегишли қарори асосида тасдиқланган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ўринбосари Рустем Бекмуродов. – Нукус шаҳри ҳудудининг бош режаси маънавий жиҳатдан эскиргани, бугунги кун талабига жавоб бермай қолгани сабабли, 2018 йилда манзилли дастурга киритилган. Қурилиш жараёнлари, келажакда қандай ишлар амалга оширилиши чуқур таҳлил қилинган ҳолда, Нукус шаҳар бош режасини ишлаб чиқиш мақсадида ҳозирда лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Давлат сийсатига мувофиқ, аҳолининг турар жойларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, 16 қаватли уйларни барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Яна бир эътиборга молик жиҳат, инфорацион технологияларни жамиятимизга кенг татбиқ этиш мақсадида 16 қаватли IT парк қурилиши белгиланган. Нукус шаҳрининг бош режасига асосан бунёдкорлик ишлари 2040 йилгача босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.



Президентимизнинг жорий йил 27 ноябрь кунги «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган Стратегияда 2025 йилга бориб юртимиздаги барча шаҳар ва шаҳарчалар, посёлкаларнинг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш кўрсатилган.



муносабати билан Навоий шаҳрини 2040 йилгача кенгайтиришни лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди Навоий шаҳар ҳокимининг ўринбосари Бобур Қодиров. – Мазкур лойиҳага асосан Навоий шаҳрини келажакдаги марказ қисми ва турли инфратузилма, шаҳарларга хос бўлган уй-жойлар, транспорт тармоқлари, автомобиль йўллари, коммуникация тизимлари қайта кўриб чиқилиб, 2040 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилмоқда. Мазкур режага асосан Наво-

ий шаҳрида 2020–2040 йиллар давомида барпо этиладиган бино ва иншоотлар режалаштириб чиқилмоқда.

Республикамызда **1 203** та шаҳар ва шаҳар посёлкалари мавжуд бўлиб,

бугунги кунга қадар **263** та шаҳар

ва **113** та шаҳар посёлкаларининг бош режалари ишлаб чиқилган.

2022 йилга келиб **113** та шаҳарлар тўлиқ бош режалар билан таъминланиши кўзда тутилган.

Тадбирда таъкидланганидек, шаҳарсозлик бош режаларини ишлаб чиқишда ҳудуддаги аҳоли сони ва ёш бўйича таркиби, меҳнат ресурслари баланси ҳамда мавжуд инфратузилма объектлари, саноат корхоналари, маданият масканлари ва келгусида уларга нисбатан талабнинг ўзгариши каби омилларга асосланилади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«KNAUF»нинг яна бир тармоғи Фарғонада фаолият бошлайди

Келаси йилнинг бошида ишга туширилиши режалаштирилган мазкур заводга Германия Федератив Республикасининг «Knauf gips LTD» компанияси томонидан 13 млн АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, молиялаштирилган. Завод йилга 16 млн м² ёки 17,7 млн АҚШ доллари қийматига тенг гипсокартон маҳсулотли



ишлаб чиқариш қувватига эга. Шуниси эътиборлики, завод биносига Германиянинг бугунги кунда дунёга машҳур «Knauf international GmbH» компаниясининг гипсокартон ишлаб чиқариш дастгоҳлари тўлиқ ўрна-тилмоқда.

Завод тўла қувват билан ишга тушса, бир йилда 2 млн АҚШ долларилик маҳсулотни Марказий Осиёнинг Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларига экспорт қилиш йўлга қўйлади. Бу эса тайёр маҳсулотнинг 89 фоизи ички бозорга ва 11 фоизи хорижга экспорт қилиш учун йўналтирилади, дегандир. Хом ашёнинг 60 фоизи маҳаллий маҳсулот, яъни Шўрсув гипс кони карьеридан олинади. 40 фоизини эса импорт маҳсулотлари ташкил қиладди. Яъни, гипс тоши маҳаллий, қоғоз ва бошқа компонент яъни қўшимча маҳсулотлар импорт қилинади.

– Ташкил этилаётган мазкур завод ишга тушиши билан дастлабки босқичда 100 нафар ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади, – деди Кнафнинг Ўзбекистондаги корхоналари раҳбари Дмитрий Дерипалко. – Стандарт завод сифатида фаолият юритиши кўзда тутилган мазкур корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот Германия, Америка, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятидаги корхоналар маҳсулотларидан умуман фарқ қилмайди.

Завод жаҳон стандартлари талаблари асосида қуриляётгани боис

Кнафнинг дунёдаги кўплаб мамлакатларида мавжуд бўлган бинолардан фарқ қилмайди. Чунки йирик Кнаф компаниясининг дунёдаги 400 га яқин заводлари узоқ йиллардан буён сифатли маҳсулотлари билан доимо харидор эътиборини тортмоқда. Компаниянинг Ўзбекистонда 3 заводи бўлиб, биргина Бухоро вилоятидаги 2 та завод 16 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда.

Корхона ишга тушиши билан иқтидорли, бошқа хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ёшлар иш билан таъминланади ва ўқитилиб, амалиётдан ўтади. Шунингдек, ўзбекистонлик ёшларнинг бошқа хорижий тилларни ўзлаштириш қобилиятлари борлиги инобатга олиниб, улар Кнафнинг Россия Федерацияси, Қозғоғистон ва Украина давлатларидаги йирик заводларга амалиёт ўташ учун юборилади. Шу тариқа заводда бир вақтнинг ўзид 100-150 нафар малакали ишчи ёшлар ўрни яратилади. Ҳозирги кунда бу ерда монтаж ишлари давом этаётгани учун 20 нафарга яқин электрик ва муҳандисларгина ишлашяпти. Турли таъмирлаш ишлари учун Бухородан малакали мутахассислар ҳам жалб қилинган.

Эътиборли жиҳати, маҳсулот ишлаб чиқариш учун қоғоз Россия Федерациясидан импорт қилинади.

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.
Муаллиф олган сурат.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Уй-жой бозорига сезиларли ўзгаришлар кутилмоқда

Кейинги йилларда нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамызнинг барча ҳудудларида кўриниши ва қўлайликлари жиҳатидан хорижникидан асло қўлишмайдиган уй-жойлар қуриляётганига барчамиз гувоҳимиз. Бу уйларнинг нарх-навоиси, сотиб олиш шартлари, одамларнинг имкониятлари, талаблари, даромадларига қанчалик мос келади? Ана шу саволларга ижобий жавоб топилиши мамлакатимиз уй-жой бозоридagi кўплаб муаммоларга ечим бўлади.

Дунё уй-жой бозорига назар солсак, ипотека тизими кўчмас мулк бозорининг асосий ҳаракатланувчи кучи эканини кўриш мумкин. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда ипотека бозоридagi рақобат аяқол кўзга ташланмоқда. Шу вақтга қадар асосан давлат буюртмаси асосида уй-жойлар қурилган бўлса, бугунги кунга келиб қурилиш ҳажмида хусусий сектор улуши кескин ортиди. Жорий йилда мамлакатимиз миқёсида 8 600 та, келгуси йилнинг март ойига қадар 3 700 та хонадонлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, аҳолига 4 500 та уй-жойни сотиб олиш учун кредит сифатида 990 миллиард сўм кредит ажратилган. Масаланинг яна бир томони бор. Уй-жой бозорида таклиф этилаётган асрият хонадонларнинг тўрт девор шаклида қурилиши, тижорат банклари эса кадастр ҳужжати йўқлиги учун бундай уйларга кредит ажратмаслиги сабаб, уларга эга топилай турибди. Мисол учун бугунги кунда хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қурилган 2 516 та 1 хонадонли ҳамда хоналарга бўлинмаган кўп қаватли уйлар ҳанузгача ўз эгасини топмаган.

Яна бир рақамга эътибор қаратсак. Жорий йилда субсидия ажратиш белгиланган 3,7 минг нафар фуқарога тўлов имконияти паст бўлгани сабабли кредит ажратиш рад этилган. Ипотека бозоридagi шу ва бошқа муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, хусусий пудрат ташкилотларини уй жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қўлай шарт-шaroитлар яратиш мақсадида Давлатимиз раҳбари «Ипотека кредити механизмлари янада тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

– Мазкур фармоннинг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсадлардан бири бу биринчи навбатда уй-жойга муҳтож бўлган фуқароларимизни турар жойлар билан таъминлаш, – дейди Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи Равшан Асқаров. – Шу билан бирга бугунги кунда қурилиб, сотилиб турган турар жой биноларини ипотекага бериш орқали ипотека бозорини ривожлантириш, қурувчиларимизга янада кўпроқ уй-жой қурилишларига молиявий жиҳатдан шарт-шaroитлар яратиш бериш кўзда тутилган.

Фармонга асосан, Молия вазирлигининг тижорат банкларига ажратган ресурсларидан фуқароларга 1 хонали ҳамда хоналарга бўлинмаган уй-жойларни сотиб олиш учун ипотека кредити ажратиш тизими жорий этилмоқда.

– Бугунги кунга қадар 2, 3 ва ундан кўп бўлган квартираларни сотиб олишга кредитлар ажратиларди, – дейди Молия вазирлиги департаменти директори Фаррух Ботиров. – Эндиликда қабул қилинган Фармонга кўра, 1 хонали квартиралар, шунингдек, хоналарга бўлинмаган квартираларга ҳам кредитлар ажратилиши рухсат берилмоқда. Тошкент шаҳрида 60 квадрат метргача бўлган, хоналарга бўлинмаган квартираларга 264 миллион сўмгача, умумий майдони 60 дан юқори бўлса 352 миллион сўмгача бўлган ипотека кредитлари ажратилади. Шунингдек, бошқа ҳудудларда шунга мос равишда 240 миллион сўмгача ва 320 миллион сўмгача ипотека кредитлари олиш мумкин бўлади.

Фармонда истисно тариқасида Фарғона вилоятининг чўл-адир ҳудудларида қуриладиган яқка тартибдаги намунавий уй-жойларни сотиб олишга Молия вазирлиги тижорат банкларига ажратган ресурслардан ипотека кредити ажратишга рухсат берилмоқда. Натижада Учқўприк, Бувайда, Бағдод, Риштон, Олтиарик, Қўштепа ва Ёзёвон туманларининг ҳар бирида 200 тадан жами 1 400 та яқка тартибдаги намунавий

уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ҳужжат асосида жорий этилаётган янги тартибларга кўра, хусусий пудрат ташкилотларига кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоизларининг бир қисмини тўлаш тарзидаги қўллаб-қувватлаш чораси кредитнинг бутун даврида амал қилиши белгиланмоқда.

– Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига субсидияларнинг ажратилиши жорий йилнинг 1 октябрга қадар эди, – дейди «Ипотека-банк» АТИБ департаменти директори Бобур Нурмухаммедов. – Берилган хабарномаларнинг амал қилиш мuddати эса жорий йилнинг 31 декабрга қадар деб белгиланган-ди. Мазкур фармонга биноан, субсидиялар бўйича аризаларни қабул қилиш 31 декабргача узайтирилди. Амал қилиш мuddати эса 6 ойга узайтирилиб, 2021 йил 1 июлгача этиб белгиланди. Пандемия туфайли барча соҳалар каби қурилишда ҳам самарадорлик бирмунча пасайди. Шу сабабли Фармон қурувчиларимизнинг қурилиш жараёнларини яқунлаб олишлари, аҳолининг қўлига олган хабарномасини ёки улгурмаган инсонлар учун унинг мuddатини чўзиб бериш имконини беради.

Янги тартибга кўра, ариза берувчи томонидан сотиб олиниши режалаштирилаётган уй-жой қийматининг фуқаро тўлов қобилияти асосида ҳисобланган юқори қийматидан олган қисмини қарз олувчининг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаш имконияти яратилмоқда.

Мисол учун, хабарнома 300 миллион сўмга чиқиб, фуқаро ўша ҳудудда қурилган уй-жойлардан ёки ўзига маъқул бўлган турар жойлардан 340 миллион сўм қийматидаги уй-жой топадиган бўлса, аввал 340 миллион сўмлик уйни ипотека кредити орқали бериш имконияти чекланган бўлиб, фақат хабарнома суммаси доирасида берилиши лозим эди. Эндиликда эса мазкур Фармонга биноан 340 миллион сўмлик уй-жой учун ҳам ипотека кредитларини олиш мумкин. Бунда фақат белгиланган норма бўйича ипотека кредити ажратилади, қолган қисми фуқаронинг ўз маблағлари ва давлат бюджетти томонидан тўлаб бериладиган субсидия томонидан қоплаб берилади.

Шунингдек, субсидия олиш учун ариза топширган фуқаронинг даромади белгиланган меъёрдан кам бўлган тақдирда, у кўрсатган ис-



талган фуқаронинг даромадини қўшиб ҳисоблаш тизими жорий этилмоқда.

– Фуқароларимизнинг кўпгина қисми банкдан кредитлар ололмаслик муаммоси бор эди, – дейди «Ипотека-банк» АТИБ бошқаруви раиси ўринбосари Жўрабек Зулфиқоров. – Қарз олувчи фуқаронинг оила аъзоларидан ташқари, бошқа жисмоний шахслар ҳам биргаликда қарз олувчи сифатида жалб қилиниши мумкин. Бу қарз олувчиларимизни каттароқ майдонга эга бўлган хонадонларни сотиб олишлари учун имконият яратиш беради.

Барчамизга маълум, дунё миқёсида қайд этилган пандемия шaroити аҳолининг харид қувватларига ҳам салбий таъсирини кўрсатди. Уй-жой бозори ҳам бундан мустасно эмас. Кўпгина давлатлар бу шaroитда аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсирчан чоралар

қўллаяпти. Фармонда мазкур жиҳатлар ҳисобга олиниб, Молия вазирлигида дастлабки бадал миқдорини камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланмоқда.

Президентимизнинг ушбу Фармони билан аҳолиимизнинг пандемия шaroитида даромадлари пасайгани инобатга олиниб, ипотека кредитларининг бошланғич бадалини пасайтириш бўйича топшириқ берилди. Бу бўйича Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик идоралар билан ҳамкорликда бошланғич бадални пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Фармон билан жорий этилаётган янги тартиб асосида жорий йилда 6 мингта, 2021 йилнинг 1 ярим йилгидега 11 700 та хонадон ўз эгаларига топширилади. Демак, яқин вақт ичиде уй-жой бозориде сезиларли ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Наманган тумани саноатлашмоқда

Наманган тумани – вилоят маркази яқинида жойлашган бўлса-да, саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган туман ҳисобланарди. Эндиликда индустрия ўчоқларини барпо этишга катта аҳамият берилмоқда. Бунда янги ташкил этилаётган кичик саноат зоналари муҳим роль ўйнаши кутилмоқда.

Ўтган ҳафтада бу ерда иккита КСЗ барпо этиш бошланди. Улардан бирига «Ёшлар» номи берилди. Мазкур саноат зонасидаги корхоналар асосан ёш тадбиркорлар томонидан ташкил этилган.

– «Кичик Қурама» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад кўтарилган бу КСЗ учун тўрт гектар ер майдони ажратилди, – дейди Наманган тумани қурилиш бўлими бошлиғи Улуғбек Холматов. – 28 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Натижада мингдан зиёд янги ишчи ўринлари яратилади.

«Қорақўл» кичик саноат зонасида эса бундан ҳам кенгроқ бунёдкорлик ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ерда 32 та лойиҳа рўёбга чиқарилса, 1 350 киши доимий ишли бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, айна вақтда вилоят маркази ва туманларда ишлаб турган ҳамда қурилаётган кичик саноат зоналари сони етмиштадан ошди.

Ўз мухбиримиз.

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўқитувчи рағбатлантирилса...

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли модернизация жараёнлари, ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактабда берилаётган таълим сифати, самарадорлигига, бўлажак кадрларни тайёрлашга қаратилаётган эътиборга боғлиқлиги бугун ўз исботини топмоқда.

Президентимизнинг мутасаддилар олдида «Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади», деган ғоя асосида бошланғич таълимни ривожлантириш масаласини умуммиллий ҳаракат даражасига кўтариш, ўқитувчиларнинг обрўини ошириш вазифасини қўйганидан ҳам буни яққол сезиш мумкин. Бинобарин, таълим тизимида туб бурилиш ясаш эътироф этилаётган «Ималакатиимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши бежизга эмас.

Мазкур ҳужжат орқали муаллимни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, ўқитувчининг оиласидан,

моддий таъминотидан хотиржам бўлиб, бор салоҳиятини таълим сифатига қаратиш, фаолиятига ижодий ёндошишига шароит яратилаётгани қувончлидир. Масалан, ўқитувчилар билан бир қаторда методистлар малака ва тажрибасини қайта кўриб чиқиш, уларнинг иш ҳақи миқдорини кўпайтириш таълим сифати янада ошишига хизмат қилади. Шунингдек, 2024 йилга қадар юқори натижаларга эришган педагогларнинг ойлик маоши меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 бараварига босқичма-босқич оширилиши ҳам соҳа ходимларини ўз устида қаттиқ меҳнат қилишга ундайди, деб ўйлайман.

Дилшода ТЎХТАМИШЕВА,
Ургут туманидаги 93-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

ЖАРАЁН

3

АНДИЖОНДАН ДАРАКЛАР

Республикаимизда таълим соҳасига бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Мактабгача таълим ташкилотидан тортиб олий таълимгача бўлган жараёнда ёшларнинг сифатли таҳсил олишлари учун барча шароитлар яратилаяпти.

Янги имкониятлар эшиги очилмоқда



Бунинг учун ўқитувчиларнинг касб маҳоратини ошириш билан бир қаторда уларга яратилган шароитларни шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Зеро, сифатли таълим энг аввало, сифатли имкониятга боғлиқ. Бу борадаги ишлар қўлами, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг янада кенг қулоқ ёймоқда. Андижон давлат тиббиёт институти-

да ҳам қарор ижросини таъминлаш доирасида бир қанча ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, куни кеча 2-ўқув-лаборатория биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Институтнинг 880 ўринли эски биносида 2019 йилда «Азимут строй» МЧЖ томонидан жорий таъмирлаш ва 400 ўринли янги қўшимча бино қурилиш ишлари бошланган эди. Ўтган давр мобайнида 16 млрд 607 млн сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Натижада 2 та 120 ўринли, 2 та 40 ўринли маъруза заллари, 100 ўринли ўқув аудиторияси барпо этилди. Улар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, талабаларнинг таълим олишлари учун жаҳон талабларига мос шароит яратилди.

– Институтимизнинг янги биноси шаҳар марказида жойлашган бўлиб, амалиёт ўтовчи тиббиёт масканларига қулай жойда эканлиги билан аҳамиятли, – дейди институт талабаси Шахриёр Абзалов. – Қолаверса, бинода назарий билим олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Муҳими, эскича услубдан чекиниб, ривожланган давлатлар таълим тизимида муваффақиятга эришган жиҳатлар ўзлаштирилган. Бунинг учун ҳар бир хона электрон ўқув қуроллари ва жиҳозлари билан таъминланган. Яратилган бундай шароит фақат пухта билим олишга хизмат қилади.

Эндиликда янги бинода микробиология, вирусология, иммунология, фармакология каби 20 дан зиёд кафедралар фаолият юритмоқда.

Энергетиклар янги бинода иш бошлади

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг «Андижон магистраль электр тармоқлари» филиали ўз фаолиятини янги бинода давом эттира бошлади. 4,7 млрд сўм маблағ ҳисобига барпо бўлган бинонинг фойдаланишга топширилиш тадбирида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси Дадажон Исакулов ҳамда вилоят ҳокими Шўҳрат Абдурахмоновлар иштирок этди.

– Айни пайтда филиал тасарруфидagi электр узатиш линияларининг умумий узунлиги 475,5 километрни ташкил этади, – дейди «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг Матбуот хизмати раҳбари Шахнозахон Ҳамидова. – Мавжуд 5 та подстанциянинг электр қувватни ўтказиш имконияти 1982 МВани ташкил этади. Бунинг учун фили-

ал 20 дан зиёд махсус техника воситалар билан таъминланган. Шунингдек, 1 та бўлим, 4 та хизмат, 10 та махсус гуруҳ таркибида 220 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Олиб борилган модернизация ишлари натижасида 220 кВли «Юлдуз» подстанциясига қувватни ошириш мақсадида 2 дона 125 МВА автотрансформатор ўрнига 2 дона 200 МВА

автотрансформатор ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу билан истеъмолчиларнинг электр энергияси билан таъминланиши қўшимча 150 МВтга оширилди. Филиал учун янги бинонинг фойдаланишга топширилиши бу каби ишларни янада жадаллаштиради. Бинода фаолият юритиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Республикаимизда энергетика тизимида олиб борилаётган ислохотлар туфайли электр энергияси таъминоти йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бу ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаяпти.

Зиё СИРОЖ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Газ таъминотида узилишлар бўлмайди



Фарғона вилояти Тошлоқ туманида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилгани мавсум билан боғлиқ муаммолар юзга келишининг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.



«Худуд газ Фарғона» газ таъминоти филиали Тошлоқ тумани газ таъминоти бўлими 51 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан яшовчи 33 мингдан зиёд аҳолига табиий газ ва суюлтирилган газ етказиб беради.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида тумандаги 205 та газ тақсимлаш қурилмаси соҳа мутахассислари томонидан таъмирланди. Бундан ташқари соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларини ҳам иситиш мавсумига сифатли ҳолда тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Суратларда: «Худудгаз Фарғона» газ таъминоти филиали иш фаолиятдан.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

«Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

объектнинг тўғридан-тўғри оммавий савдо тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ўзмиллийбанк» АЖ Қашқадарё вилояти филиалига қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

1. Қарши шаҳри, «Нахшаб» МФЙ, И. Каримов кўчаси, 21-уйда жойлашган кўп қаватли турар ва но-тураржой биносининг 1-қавати, Б блок, 0002-литер қисмида жойлашган савдо дўкони (ертўласи билан). **Бошланғич баҳоси 15 фоиз ҚҚС билан биргалликда – 510 070 843 сўм.**

2. Қарши шаҳри, «Нахшаб» МФЙ, И. Каримов кўчаси 21-уйда жойлашган кўп қаватли турар ва но-тураржой биносининг 1-қавати, А' блок, 0003-литер қисмида жойлашган савдо дўкони (ертўласи билан). **Бошланғич баҳоси 15 фоиз ҚҚС билан биргалликда – 350 507 332 сўм.**

Тўғридан-тўғри оферта савдоси 2020 йил 18 декабрь куни, соат 11.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.

Тўғридан-тўғри оферта савдосида қатнашиш учун ақцепт аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 17 декабрь

куни, соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун мuddатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648.

Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман. **Мўлжал:** «Парвина» кафеси. **Телефон:** (95) 505-08-99. **E-mail:** ikoskarshi@yandex.com **Расмий сайтимиз:** www.ikos.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0111-сонли лицензия.

«Regionlararo mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«AGROTEXMASH-DD» МЧЖнинг 2020 йил 10 декабрдаги 51-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 117-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:

1. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 304 МҒА бўлган «Chevrolet Cobalt» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 79 837 905,82 сўм.**

2. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 734 МҒА бўлган «Chevrolet Damas» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 68 623 334,20 сўм.**

3. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 298 МҒА бўлган «Chevrolet Lasetti» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 103 381 787,48 сўм.**

Аукцион савдолари 2021 йил 11 январь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охири**

муддати: 2021 йил 8 январь куни, соат 16.00 гача.

Қайд этилган автотранспорт воситалари 2020 йил 11 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 18, 25 январь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш муддати савдо кунидан бир кун аввал.

Савдо ғолибига 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ «DAVR-BANK» Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаши шарт: 2260 4000 5052 6588 2001 МҒО 01121 СТИР 307 638 956.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-уй.

Тел.: 95-199-12-21, 93-534-05-00.

880847 рақамли гувоҳнома.

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 12 январь куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига «Урганч ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 4 декабрдаги 47-сонли яккабошчилик асосидаги ижроия органи раҳбари ва мутахассис ходимларининг кенгайтирилган йиғилиш баёни қарори ва «Урганч ёғ-мой» АЖнинг 2020 йил 9 декабрдаги 7-1360-сонли хатига асосан Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 2-уйда сақланаётган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 966 ЕА бўлган «Ariop-630с» русумли трактор. **Бошланғич баҳоси – 430 088 681 сўм.**

2. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 974 ЕА бўлган «К-701» русумли юклагич. **Бошланғич баҳоси – 38 849 025 сўм.**

3. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 970 ЕА бўлган «ТТ3-80-11» русумли трактор. **Бошланғич баҳоси – 16 171 019 сўм.**

4. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 953 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

5. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 954 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

6. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 955 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 7 200 000 сўм.**

7. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 956 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 7 200 000 сўм.**

8. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 979 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

9. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 980 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

10. 2006 йилда ишлаб чиқарилган,

давлат рақам белгиси 90 963 АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

11. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90964АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

12. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90981АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

13. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90982АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

14. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90969АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

15. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90970АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 7 200 000 сўм.**

16. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90971АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 5 400 000 сўм.**

17. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90973АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

18. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90974АА бўлган «2-ПТС-4-793» русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.**

19. 2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси, «ЛП-5м» русумли лазер планировшиги. **Бошланғич баҳоси – 123 975 000 сўм.**

20. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган «ПОН-3+1» русумли плуг. **Бошланғич баҳоси – 45 665 100 сўм.**

21. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган чизель. **Бошланғич баҳоси – 4 612 950 сўм.**

22. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган скрепер-планировщик. **Бошланғич баҳоси – 3 892 739 сўм.**

23. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган «СЧХ-4Б» русумли чигит

экиш сеялкаси. **Бошланғич баҳоси – 7 225 128 сўм.**

Ушбу мол-мулклар 2021 йил 12 январдаги очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 22 январь кунига расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Тўлов учун реквизитлар: ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88. **Веб-сайт:** www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

Миллий озодликни қўлга киритган, миллий тараққиётнинг тарихий босқичига қадам қўйган ҳар бир халқ ўзи учун Ватанининг шонли тарихи, бугуни ва келажаги, орзу-интилишларини мужассам этган давлат рамзларини қабул қилади. Бу рамзлар давлат суверенитетининг ўзига хос шаходатномасидир.

Бутун халқимиз 1992 йил 10 декабрь кунин Олий Кенгашининг Ўн биринчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси» тўғрисидаги қонуннинг 28 йиллигини нишонлаяпти. Ушбу мадҳияда 130 йил давомида эркисизлик, ҳуқуқсизлик, камситиш ва таққирлашлар ичра яшаб келган халқнинг истиқлоли, орзу-умидлари, улуғ мақсадлари ўз тажассумини топди.

Бу кун – улуғ кун, ўзини шу муқаддас юрт фарзандиман, мен тақдиримни она Ватаним тақдиридан айро кўролмайман, уни меҳрибон

қараш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ана шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ватан мадҳияси унга нисбатан юксак қалб эҳтироми билан айтилади. Унинг сўзларини алмаштириш, бузиб айтиш, ҳазил-мазаҳ оҳангида тилга олмоқ Ватани, миллатни ҳақоратламоққа тенгдир.

Баъзан ижтимоий тармоқларда айрим ёш ватандошларимизнинг давлат мадҳиясига нисбатан беписанд муносабатини ўқиганда ўйланиб қоламиз. Наҳотки, шулар ўзбек фарзанди?! Ахир, алласиз Олани севиб бўлмаганидай, Мадҳиясиз ҳам Ватанини севиб бўлмайдику!

Гуманитар фанларнинг миллий жамғармаси, Гремми фонди, Миллий таълим ассоциацияси, АҚШ мэдрлари конференциялари, Америка мактаб маъмурулари ассоциацияси, Мусиқа ўқитувчилари миллий ассоциацияси, Ёш болаларни ўқитиш бўйича миллий ассоциация каби давлат ва нодавлат ташкилотлари қўллаб-қувватлаб келади. 2004 йилда ўтказилган «Ҳарис интерактив» ташкилоти сўровига кўра, ҳар тўрт америкаликдан учтаси давлат мадҳияси ва бошқа ватанпарварлик қўшиқларини айнан мактабда ўрганганини айтган.

«Миллий мадҳия» (МЕНС) лойиҳаси ижрочи директори Жон Махлманн давлат мадҳияси ва ватанпарварлик қўшиқларини ўрганиш болаларимиз қалбида «Америка орзуси» гоёларини тарбиялашга хизмат қилади, дейди.

Шундай экан, биз азалдан буюк давлат,

Жасур Бойқўзиев:

«Таэквонго ватанига энг буюк қўшиғимиз баралла янграши мен учун она алласиган ҳам ёқимли бўлган эди»



– Ҳамон ёдимда! Бундан олти йил аввал Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ўтган XVII Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритган эдим, – дейди таэквондо (WT) бўйича мураббий Жасур Бойқўзиев. – Ушанда ғалабам шарафига давлатимиз байроғи баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради. Бунининг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган юзлаб спортчилар, мухлислар томоша қилди. Тўғри, бунгача бир қатор халқаро турнирларда зафар қучганман. Бироқ бу ғалаба меннинг қалбимда ўчмас эи қолдирди. Сабаби, таэквондо (WT) ватани бўлган Жанубий Кореяда, қитъанинг энг нуфузли мусобақасида шохсупанинг энг юқори поғонасида туриб, ғалабам шарафига мамлакатимизнинг энг буюк қўшиғи баралла янграши мен учун она алласидан ҳам ёқимли бўлган эди.

Таъкидлаш жоизки, давлат мадҳиясига алоҳида эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ватанпарварлик бурчидир. Шунингдек, мамлакатимизда бўлиб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Миллий мадҳиямиз муаззам садолари давлатимиз раҳбарининг турли мамлакатларга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг раҳбарларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, йирик халқаро анжуманлар, тинчлик ва дўстлик келишувларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда энг баланд шохсупага кўтарилган пайтида баралла янграмоқда.

Мадҳиямиз халқимиз қалбида юксак ватанпарварлик туйғуларини кучайтиради. Ушбу муқаддас Ватан қўшиғини эшитиб камол топган ёшлар бугунги кунда ҳар бир соҳада, жумладан, спортда улкан ютуқларни қўлга киритиб, мадҳиямизнинг дунё бўйлаб янграшига сабабчи бўлмоқда.

– Биз ҳар бир мусобақада ғолиб бўлиш учун йиллар мобайнида тайёрланамиз, ғалаба учун қаттиқ курашамиз, – дейди Ж. Бойқўзиев. – Халқаро мусобақаларга йўл олганимизда доимо Ватан соғинчи қалбимни ўртади. Мана шу соғинч ғалабага эришганимизда, давлатимиз байроғи юксак кўтарилганда, мадҳиямиз янграганда буюк фахр ила таскин топади. Ҳар бир мусобақа арафасида Ватанимиз рамзлари – байроқ, мадҳия ва гербимизни дунё узра танитишга интиланман.

...Оиладаги спортга бўлган қизиқиш ёш Жасурни спорт томон етаклади. У дастлаб футбол, бокс, дзюдо тўғаракларига қатнади. Ўн олти ёшдан эса таэквондо (WT) билан шуғулланишга қарор қилди ва биринчи устози Дилшод Тўракулов қўл остида шуғуллана бошлади.

Таэквондо билан мунтазам шуғулланиб, маҳоратини оширган Жасур 2008 йили Ўзбекистон чемпионатида ғолиб бўлди ва миллий терма жамоамизга қабул қилинди. Ёш спортчимиз халқаро майдондаги илк ғалабасига 2012 йили Германиядаги турнирда эришди. 2013-2014 йиллар давомида Франция, Германия, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Миср, Бирлашган Араб Амириклари каби давлатларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда

бир неча бор шохсупага кўтарилди. Тошкентда таэквондо (WT) бўйича XXI Осиё чемпионати ва Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ўтган XVII Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритди. 2015 йилнинг май ойида Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади.

Жаҳон ареналарида тўплаган тажрибаси, таэквондога бўлган меҳри уни 2016 йилда мураббий бўлишга ундади. Бир неча ой давомида тажрибали спорт устозларидан билим олди ва ўша йили Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи ёрдамчиси сифатида фаолиятини бошлади.

Ж. Бойқўзиев 2017 йили бош мураббий Акмал Эргашев билан биргаликда Жанубий Кореяда ўтган дунё биринчилигида терма жамоамизни улкан ютуқлар томон етаклади. У мураббий сифатида иштирок этган илк мусобақада шогирдлари Никита Рафалович кумуш ва Динорахон Мамадибрағимова бронза медалини қўлга киритди.

2018 йили ҳам мураббий, ҳам спортчи сифатида Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 87 килограммгача вазн тоифасида даянга чиқиб, кумуш медал соҳиб бўлди.

Ҳар бир мусобақага жиддий тайёргарлик кўриши, энг асосийси, кўнглида мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилишида эзгу ниёти бўлган Жасурни Ўзбекистон таэквондо (WT) ассоциацияси мутасаддилари қадетлар терма жамоасига мураббий сифатида тайинлашди. Бош мураббий Собир Назаралиев билан бирга фаолиятини бошлаган Жасур ёш болаларга Олимпия ўйинларидан жой олган таэквондонинг нозик жиҳатларини ўргата бошлади.

Унинг болаларга меҳрибонлиги ва ҳар бир вазифани беришда ўзгача услубга эга экани ёш спортчиларни ғалаба томон руҳлантирди. Бунинг натижасида 2019 йилнинг август ойида пойтахтимизда ўтган қадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз биттадан олтин ва бронза медалини қўлга киритиб, спортимиз тарихида ёрқин из қолдирди.

– Таэквондо бўйича қатор мусобақаларда ғолиб бўлиб, спортчи сифатидаги орзуларимга эришдим, – дейди Ж. Бойқўзиев. – Бироқ, энг катта орзум Олимпия ўйинларида давлатимиз мадҳиясини янграатиш насиб этмади. Энди ёш шогирдларимни ўзим ета олмаган марраларга олиб чиқишни мақсад қилганман. Мураббий сифатида Олимпия ўйинлари ғолибини тайёрлаб, шогирдим ғалабаси сабаб, юрт байроғи, Ватанимизнинг буюк қўшиғи бўлган мадҳиямизни тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида янграатиш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, Жасур Бойқўзиев шогирдлар маҳоратини ошириш устида тинимсиз изланишда. Доимо ўзига билдирилган ишончни оқлаш ҳаракатида. Бу мураббийимиздан иқтидорли таэквондочилар тарбиялаб, шогирдларининг янги-янги чўққиларни забт этишини, улуғ халқимизнинг муқаддас қўшиғи – давлатимиз мадҳиясини кўп бор дунёга танитишини кутиб қоламиз.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ўза мухбири.

Давлат мадҳияси озодлик, миллий бирлик рамзидир



онмадди, отамдай севиб ардоқлайман, асрайман, деган ҳар бир ўзбек, Ўзбекистон фуқаросининг, ватандошларимизнинг байрамидир. Негаки, бизнинг онамизга бўлган севгимиз меҳримизда намоён бўлганидай, она Ватанга бўлган муҳаббатимиз, аввало, садоқатимизда намоён бўлади.

Бугун она Ватанимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги янгиланишлар туфайли нафақат иқтисодий тараққиёт, маънавий тараққиёт сари ҳам қадам ташланди. Миллат чин маънода ўзлигига қайтиб, ўзлигидан куч олмоқда. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги улуғ мўлжал дунёда ўзбекман, Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир кўнгилга уйғониш байроғини тикмоқда.

Янги давр Учинчи Ренессанс сари умумхалқ юришини бошлаб бермоқда, бу Ватанга фидойи, садоқатли, маърифатли халқ ва ёшларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги қадами бўлади.

Буюк Ватан тимсоллари, рамзлари ҳар бир давлат, унинг келажақ авлодлари учун озодлик ва миллий ғурур тимсоли, бой маънавий обидадир. Мадҳия миллатни ҳаммаша ўз озодлик йўли, аҳдида собит тутиб турувчи руҳий қувват манбаи ҳамдир. Шунинг учун ҳам тараққиёт топган дунё халқлари ўз давлатининг мадҳиясини нафақат шодон ва мунаввар кунларида, ҳатто энг заҳматли ва синовли онларида ҳам тик туриб мардона куйлайдилар. У миллатни, халқни бирлаштирадиган, юксалтирадиган енгилмас кучга, юксак ирода ва қатъият, жасорат тимсолига айлантира оладиган қўшиқдир.

Ҳиндистонда давлат мадҳиясини куйлаш Ватан шаънини ҳимоя қилишдек муқаддас бурч саналади. Қардош Туркияда эса миллий мадҳиянинг алоҳида рамкага солинган сурати мамлакатдаги мактабларнинг ҳар бир синфидаги досканинг юқорисида давлат байроғи билан ёнма-ён туради. Туркия давлат мадҳиясининг муаллифи Меҳмет Акиф Эрсўй «Аллоҳ бу халқни такрор давлат мадҳиясини ёзишга мажбур қилмасин!» дейди. Бу турк давлати ҳеч қачон озодлиги, эркини қўлдан бермасин, деганидир. Хитойда эса махсус қарорга асосан ҳар кун эрталаб соат 7.00 да барча радио ва телеканалларда ватанпарварлик намунаси сифатида миллий мадҳия янграйди. Улар давлат байроғини баланд кўтариш, давлат мадҳиясини ғурур билан ижро этишни ўзлари учун шараф деб билишади.

Негаки, давлат мадҳияси – миллий бирлик ва озодлик рамзидир. Унга эҳтиром билан

Кимдир «мактабда болаларга давлат мадҳиясини мажбурлаб айтираётган эмиш» деб ёзибди. Бунинг учун инсон ҳуқуқларини пеш қилиб, Халқ таълими вазирлиги, муаллимларни айблабди. Ахир, бу Ватан фарзандларига Ватанини севама, улуғлама, дейиш билан баробар эмасми?

Улар бундай қараш ҳатто демократик мезонлари юксак намуна ҳисобланадиган АҚШ, Япония, Австралия каби давлатларда ҳам йўқлигини билармиканлар?!

Австралияда ўқувчи-ёшлар, талабалар янги кунни барча таълим муассасаларида ўнг қўлини кўксига қўйиб, давлат мадҳиясини куйлашдан бошлайдилар.

Японияда ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчи «Кимиғаё», яъни япон миллий мадҳиясини яхши билиши шарт ҳисобланади. Мактабда миллий мадҳияни куйлаш ҳам дарс, ҳам муқаддас бурч ҳисобланади.

2003 йилдан бошлаб Токио шаҳри қоидаларига биноан мактаб маъмурулари томонидан давлат мадҳияси айтилганда, унга ўриндан туриб муносиб ҳурмат кўрсатмаган, унга жүр бўлмаган ўқитувчиларнинг исмлари ёзиб олинади. Бундай ўқитувчиларга нисбатан танбеҳ бериш, қайта ўқитишдан тортиб, улар иш ҳақини пасайтириш, ҳаттоки, ишдан бўшаптишга жазо чоралари қўрилади. Масалан, 2004 йилда 243 нафар ўқитувчи худди шундай интизомий жазога тортилган. 67 нафар ўқитувчи мавжуд қоидаларга риоя қилмагани, ўқувчиларига давлат мадҳияси ва байроғини ҳурмат қилишни ўргатмагани учун огоҳлантирилган. Фукуока префектурасида ўқувчилар ватанпарварлигига Кимиғаёни қанчалик баланд овозда куйлай олишига қараб баҳо берилди.

Японлар фуқароларни болаликдан давлат байроғи ва мадҳиясига нисбатан ҳурмат ҳиссида тарбиялаш уларнинг кўнглида бошқа мамлакатларнинг давлат рамзларига нисбатан ҳам ҳурмат ҳиссини шакллантиради, деб ҳисоблашади.

АҚШда миллий мадҳия лойиҳаси (МЕНС) жорий этилган бўлиб, у америкаликларга давлат байроғи ва мадҳиясининг аҳамиятини англатиш орқали ватанпарварликни тарбиялашни кўзда тутди. Лойиҳага машҳур «Жип» бренди, «Банк оф Америка», «Гибсон Фоундейшн» каби йирик ташкилотлар ҳомийлик қилади.

Шунингдек, бу лойиҳани 20 дан ортиқ губернаторлар, Конгресс аъзолари, Санъат миллий жамғармаси, Таълим бўлими, Америка тарихи миллий музейи, Мудофаа вазирлиги,

буюк тарих, буюк маданият яратган аجدодларнинг ворислари нима учун давлат рамзлари, мадҳиясини куйлашдан тортинишимиз керак?

Ахир, бу Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, садоқат, мардлик, жасорат билан она юрт тимсоли даражасига кўтарилган Мухаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Маҳмудхўжа Бехбудий каби улуғ аждодларимиз руҳига ҳурмат эмасми?! Бизни оқ ювиб, оқ тараган она халқимизга нисбатан эҳтироми-миз эмасми?!

Келинг, азиз ёшлар, ўзимизга савол бериб кўрайлик? Нима учун давлатимиз раҳбари иштирок этган олий даражадаги учрашувларда, юртимиз вакиллари қатнашадиган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий йўналишдаги нуфузли анжуманларда давлатимиз байроғи баланд кўтарилганда кўзда ёш билан шохсупанинг энг юқори поғонасида мағрур турган ватандошимизни бағримизга босгимиз келади? Негаки, мазкур қўшиқ бу ёруғ дунёда Ўзбекистон деган қутлуғ диёр борлигининг тасдиғи, нишонаси бўлиб жаранглайди! Ўша пайтда сизу бизнинг ҳам кўзимизга қалқиб чиққан бир томчи ёш бу – қутлуғ ёшдир, у бизга шу Ватаннинг бир бўлган эканлигимизни англатадиган, унинг қайғуси билан яшаб, шодлигига шерик эканлигимизнинг шаходатидир.

Мадҳия – ўзбекман, ўзбекистонликман, деган ҳар бир қалбда тўхтовсиз ўсаётган тоғ, тўхтовсиз гуллаётган бөгдир. Унинг ҳар сатри муқаддас тупроғимиз зарраларидан куч, руҳ, шижоат олади. У – эрк, озодлик, эрксевар халқ қўшиғи.

Бу бизнинг қўшиғимиз! Бу бизнинг қўшиғимиз! Бу ҳаммамизнинг қўшиғимизидир! Бу Ватан деб ураётган юраклар қўшиғи, бу овози Ўзбекистон бўлиб янграётган бунёдкор элнинг қўшиғидир! Бу ўзи ҳар жойда бўлса-да, жон ришталари билан шу муқаддас заминга боғланган дунёдаги 50 миллиондан ортиқ ватандошларимизнинг қўшиғидир!

Байрам муборак, азиз дўстлар, қадрли ватандошлар!

Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Матнавийат ва маърифат
маркази раҳбари.